



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 7 январь, № 3 (9174)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИДА
ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ
ЙЎНАЛИШИДА ЯХЛИТ МАНЗИЛЛИ
ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ
ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1-сон қарори ижроси натижасида маҳаллаларда жиноятчиликни қарийб 1,5 бараварга камайтиришга эришилганини инобатга олган ҳолда, шунингдек, мазкур йўналишда яхлит ишлаш тизимини жорий этиш ҳамда масъул раҳбарларнинг вазифаларини белгилаш мақсадида қарор қиламан:

1. Мақсадлар ва устувор вазифалар

1. Куйидагилар ушбу қарорнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

а) **ижтимоий профилактика самарадорлигини оширишни** устувор вазифа этиб белгиланган ҳолда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни ишончли таъминлаш бўйича манзилли профилактик чора-тадбирлар тизимини самарали жорий этиш орқали жиноятчиликни **кескин камайтириш**;

б) **оила-турмуш муносабатлари доирасида** ҳамда **аёллар ва ёшлар томонидан** содир этилаётган жиноятларнинг асл омилларини илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш орқали уларнинг барвақт олдини олиш бўйича янги ишлаш механизмларини белгилаш;

в) ҳар қандай ноқонуний ҳолатлар юзасидан **мурожаатларга тезкорлик билан муносабат билдириш** тизимини яратиш, бу борадаги фаолиятни **бевосита жойларда** самарали йўлга қўйиш орқали **аҳоли розилигига эришиш**.

2. Куйидагилар барча масъул идоралар ва муассасалар учун маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича ташкилий-профилактик чора-тадбирларни амалга оширишнинг **устувор вазифалари** этиб белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ–1-сон қарори** билан белгиланган механизмларига мувофиқ **ишларни давом эттириш**;

б) ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятга салбий таъсир этувчи омиллар билан ишлашнинг маҳаллалар кесимида ҳар чораклик манзилли чора-тадбирларини белгилаш ҳамда уларнинг **маҳалла — туман — вилоят** даражасида ижроси учун бевосита **масъул раҳбарларни бириктириш** ва зиммаларига аниқ **жавобгарликни юклаш**;

в) маҳалла ҳудудида аҳолининг **ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш** орқали олдини олиш мумкин бўлган ҳар бир жиноят бўйича маҳаллий **ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш**, ижтимоий профилактика субъектлари томонидан амалга оширилган тадбирлар самарадорлиги юзасидан **қатъий сўров тизимини йўлга қўйиш**;

г) **оила-турмуш муносабатлари доирасида** ҳамда **аёллар ва ёшлар томонидан** содир этиладиган жиноятларни **“илмий ҳулоса — тавсия — натижа”** тамойили асосида жойларга чиққан ҳолда мақсадли илмий-амалий ўрганиш орқали самарали **ташкиллий-ҳуқуқий чораларни белгилаш**;

(Давоми 2-бетда).

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО ЛОЙИХАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУТГАН МАВҚЕИ ТОБОРА ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА

Миллий статистика қўмитасидан маълум қилинишича, 2025 йилнинг январь — ноябрь ойларида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 72,8 млрд. АҚШ долларига етиб, 2024 йилнинг мос давридагига нисбатан 13 млрд. долларга ёки 21,8 фоиз кўпайди. Бу ютуқлар замирида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан транспорт ва логистика тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар мужассам, албатта.

Сарҳисоб

— Денгиз портларидан узоклигимиз халқаро савдо ҳажмини кўпайтиришга ҳалақит бераётган бўлса-да, давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари, прагматик сиёсати натижасида транспорт-логистика тизимларини такомиллаштириш учун йирик халқаро лойиҳаларга қўл урилмоқда, — дейди иқтисодчи олим, профессор Зилола Шомансурова. —

Президентимиз Туркманистоннинг Аваза шаҳрида БМТ шафелигида ўтказилган Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича конференцияда транспорт-логистика соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қатор аниқ тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Бу гоё БМТ шафелигида денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун транзит кафолатлари тўғрисидаги глобал битимни ишлаб чиқиш, логисти-

ка интеграциясига кўмаклашиш жамғармасини тузиш ҳамда заифлик глобал индексини ишлаб чиқиш ташаббусини ўз ичига олади. Келгусида бу портлар ва коммуникациялардан адолатли тарзда фойдаланиш шартларини, юк ташишда хавф-хатарларни пасайтиришни ва глобал логистикадаги нотенгликни камайтиришга, йирик инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштиришга хизмат қилади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидан ўрин олган йирик лойиҳалар, айниқса, транспорт-логистика тизимидаги ўзгаришлар келгусида мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширишга туртки беради. Зеро, унда айтилганидек, автомобиль йўлларининг сифатини яхшилаш, транзит салоҳиятини ошириш мақсадида Андижон — Кўнғирот,



Тошкент — Термиз, Самарқанд — Шахрисабз, Олот — Сарийосиё йўналишида узунлиги 4 минг километрлик халқаро магистраль “автобан” қуришнинг беш йиллик дастури тез орада ишга туширилади. Жорий йилда эса Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё бўйлаб умумий фойдаланишдаги 300 километрлик автойўл тўлиқ тасмирланади. Бундан ташқари, ҳадемай Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Андижон,

Тошкент — Бўстонлик, Пунгон — Наманган ва Қарши — Шахрисабз йўналишида юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган 800 километрлик йўлларни бунёд этиш бошланади. Бу, албатта, юзлаб қишлоқ ва маҳаллалар янада гўзаллашади, янгидан-янги корхоналар пайдо бўлади, қўшимча иш ўринлари яратилади, катта йўл бўйларида замонавий инфратузилмалар пайдо бўлади деганидир.



МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиз меҳнат бозорини янги қиёфа асосида — касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида шакллантириш орқали ёшларнинг замонавий касбларга эга бўлишига кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида таъкидланди.

Акс садо

Дарҳақиқат, йигит-қизларнинг профессионал тайёргарлиги ва ижодкорлик салоҳияти қанча юқори бўлса, жамият келажаги ҳам шунча барқарорлашади. Бугунги глобаллашув даврида ёшлардан доимий ҳаракатда ва касб-корли бўлиш, креатив ва замонавий фикрлаш орқали янги гоё ва ташаббусларни илгари суриш талаб этилмоқда. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган, бандликни таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун имконият ва имтиёзлар яратилган. Сўнгги йилларда бошқарув кадрлари таркиби ҳам ёшарди. 40 ёшгача бўлган раҳбарлар улуши 37 фоиздан 65 фоизга ўсгани Янги Ўзбекистонда “халқ

хизматидаги давлат” тамойилини рўёбга чиқаришда иқтидорли, жонқуяр ва етакчилик қобилиятига эга йигит-қизларга ишонч билдирилаётганидан далолат.

“Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” деган гоё амалий ишлар билан тасдиқланиб, бу борада турли ислохотлар, дастур ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, ташаббусларини рўёбга чиқариш учун бюджет маблағлари йўналтирилмоқда. Кўрсатилган имтиёз ва имкониятлар туфайли юртимизнинг турли ҳудудларида истикомат қилаётган келажагимиз эгаларининг бандлиги таъминланиб, реал даромадлари ва ютуқлари кўпаймоқда. Аммо ижтимоий ҳаётда ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш, қимматли вақтини ўғирлашга қаратилган маънавий таҳдидлар ҳам тобора авж олаётгани сир эмас.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда электрон тижорат соҳасини, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, қўриқлаш фаолияти соҳасидаги қонунчилик базасини янада мустаҳкамлашга доир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди. Парламент назорати фаолиятига доир масала ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Электрон тижорат: очкилик ва шаффофлик

Мажлисида электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши электрон тижорат иштирокчилари учун замонавий логистика инфратузилмасига эга миллий электрон тижорат маконини яратиш ҳамда бозор иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асос-

ларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган қонун лойиҳасида электрон тижорат соҳасидаги истеъмолчилар муомаласига кириб бораётган йўналишларга оид “янги электрон савдо платформаси ва буюртмалар агрегатори операторлари”, “рақамли стриминг хизмати”, “электрон тижорат иштирокчилари”, “трансчегаравий электрон тижорат” каби атамаларга тушунчалар берилиб, бизнес жараёнлари ва соҳани солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.



2026 йилда:


вилоят, туман ҳокимларига самарасиз
ва бир-бирини такрорлайдиган штат
бирликларини қисқартириб, тежалган
маблағни аҳоли ўртага қўйган масалаларни
ҳал қилиш учун ажратишга рухсат этилади;



бу орқали
туманлар
бюджетида
йилига

5 триллион

сўмлик қўшимча манба шаклланади
ва у маҳаллалар инфратузилмасини
яхшилашга сарфланади;



жорий йилда илк бор маҳалла
инфратузилмасини ривожлантириш учун

5 триллион

сўм вилоятларнинг ўзига берилади.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР



Энг муҳими,

бу маблағларнинг ҳар бир сўми аҳоли учун қўшилган қиймат яратиши зарур. Шу боис бу пуллар, умуман, қайсидир туман учун эмас, балки маҳаллада иш ўринлари яратадиган, аҳолини даромадли қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ ЙЎНАЛИШИДА ЯХЛИТ МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

д) маҳаллалардаги **жамоат жойларда** ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш йўналишига замонавий **ахборот-коммуникация** ва **сунъий интеллект** технологиялари, ижтимоий профилактикага масъул идоралар ва муассасалар томонидан қўрилайётган чораларнинг самарадорлиги устидан **электрон назорат** тизимини кенг жорий этиш.

II. Ташкилий-профилактик чора-тадбирлар

3. Белгилансинки, маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйишга қаратилган манзилли ишларни ташкил этиш мақсадида **2026 йилда** ҳудудлар масъул раҳбарлар ва муассасаларга қўйидаги тартибда **номма-ном бириктирилади**:

а) **криминоген вазияти оғир маҳаллалар** — туман (шаҳар) ҳокимлари, прокурорлари ҳамда ички ишлар органлари бошликлари ва уларнинг ўринбосарларига;

б) **беш йилдан буён “қизил” тоифада бўлаётган маҳаллалар** — Миллий гвардиянинг ҳудудий бошқармалари бошликлари, вилоят даражасидаги ички ишлар органлари раҳбарларининг ва ҳокимларнинг ўринбосарларига;

в) **уч йилдан буён “қизил” тоифада қолаётган маҳаллалар** — ҳуқуқ-тартибт идораларининг таълим ва илмий ташкилотларига;

г) **криминоген вазияти энг оғир туман ва шаҳарлар** — вилоятлар даражасидаги прокурорларнинг ва ички ишлар органлари раҳбарларининг биринчи ўринбосарларига;

д) **аёллар жиноятчилиги, спиртли ичимлик ва гиёҳхандликка ружу қўйган шахслар жиноятчилиги ҳамда низоли оилалар салмоғи энг юқори бўлган маҳаллалар** — тегишинча вилоятлар даражасидаги оила ва хотин-қизлар, соғлиқни сақлаш ҳамда адлия бошқармалари бошликлариغا.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **бириктирилган масъул раҳбарлар ва муассасалар зиммасига** ўз ҳудудларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш намунасини яратиш, ҳудудий “йўл хариталари” билан белгиланган чора-тадбирларнинг тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш ҳамда ижтимоий профилактика тизимини самарали йўлга қўйиш бўйича **қатъий шахсий жавобгарлик юкланади**;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимлари **ҳар ойда** бевосита ўзлари **камида иккита** криминоген вазияти оғир ва мураккаб маҳаллаларга борган ҳолда **ёшлар, аёллар ва ишсизларга** нисбатан белгиланган **ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш ҳолатини танқидий ўрганади** ҳамда уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини бартараф этиш бўйича **манзилли чоралар кўради**;

в) **ҳар ой якунида** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан маҳаллаларда содир этилган ижтимоий-

маиший тусдаги жиноятларнинг **сабаблари** ва уларни келтириб чиқарган **омилларни танқидий муҳокама қилади** ва **ҳаракатсизликка йўл қўйган ижтимоий профилактикага масъул ташкилотлар** раҳбарларига **нисбатан чоралар кўради**;

г) **ижтимоий мослаштириш дастури** яқунлангандан **сўнг ижтимоий профилактика объектлари** томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида ушбу шахсларнинг турмуш тарзи **бир йил** давомида **мониторинг қилиб борилади**;

д) республика маҳаллаларида иловага мувофиқ тартибда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлигида **“Ижтимоий профилактика ҳафталиги”ни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади**;

ж) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳудудий прокурорлар ва ички ишлар органлари раҳбарларининг **ҳар чорақда** киритиладиган қўшма таклифларига асосан маҳаллада жиноятчиликни жиловлash йўналишида масъул давлат идораларининг **камида 15 нафар ўрнак кўрсатган** раҳбар ва ходимлари маҳаллий бюджет даромадларининг прогностдан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (пул таъминоти)нинг **бир баравари микдорда пул муқофоти** билан рағбатлантириб борилади.

III. Ташкилий-назорат чора-тадбирлар

5. Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш мақсадида Бош прокуратура хузурида тузилган **Республика идоралараро мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда — **Мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи**) ўз фаолиятини белгиланган тартибда **давом эттирсин**.

6. Мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи (Б. Валиев, А. Рахматуллаев):

а) **2026-2027 йилларда ҳар чорақда** республика маҳаллаларида хавфсиз муҳит яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг самарали ташкилий-техник тизимини шакллантиришга қаратилган **ҳар бир ҳудуд кесимида асосий мақсадли кўрсаткичларни** тасдиқлаб босин ҳамда уларга эришиш ҳолати устидан назоратни таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан **ҳар бир ҳудуд** ва криминоген вазияти оғир маҳаллалар кесимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги **ПҚ–1-сон қарори** билан тасдиқланган **маҳалла — туман — вилоят** даражаларидаги **манзилли чора-тадбирларнинг намунавий “йўл хариталари”** асосида **ҳар чорақлик** ҳудудий “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва ижрога қаратишни ташкил қилсин;

в) маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси борасидаги ишларнинг **натيجадорлигини**, шу жумладан, **жойларга бевосита чиққан ҳолда тизимли**

равишда баҳоласин, шунингдек, ҳудудий “йўл хариталари”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини доимий равишда **қатъий назорат** (шу жумладан, электрон назорат платформаси орқали) қилиб босин;

г) **ҳар ойда камида иккита вилоят** кесимида маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ва натижадорлиги бўйича барча масъул идора ва муассасалар билан **танқидий муҳокамалар ўтказилишини** ҳамда ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган таъсир чоралари кўриб борилишини йўлга қўйсин;

д) маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ишларига муносиб ҳисса қўшган масъул раҳбарлар ва ходимларни ҳар йили **Маҳалла тизими ходимлари куни муносабати билан давлат муқофотларига** тавсия қилиб босин.

7. Белгилансинки:

а) маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш йўналишида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижадорлиги **ҳар ой якунида** — вилоят прокурорлари ва ички ишлар органлари бошликлари хузурида, **ҳар чорақ якунида** ички ишлар вазири ва Бош прокурор хузурида тегишли вилоят ва республика раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида таҳлилий ахборот ҳамда масъулларни рағбатлантириш ёки интизомий жазолаш бўйича таклифлар киритиб борилади;

б) мазкур қарорга мувофиқ ҳудудларга **бириктирилган масъул раҳбарлар ва муассасалар** томонидан амалга оширилган ишлар ҳолати устидан **назорат қилиш**, шу жумладан, **жойларга бевосита чиққан ҳолда** уларнинг натижадорлигини **баҳолаб бориш** Мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи ва унинг ҳудудий штаблари томонидан таъминланади.

IV. Қонун устуворлигини таъминлаш чоралари

8. Қўйидагиларга:

а) **Бош прокурорнинг ва ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосарларига** — жиноятларни ҳисобдан яшириш, республика миқёсида кундалик ҳисоботларга сохта маълумотларни киритиш ҳолатларига тубдан барҳам беришга қаратилган **қатъий назорат тизимини йўлга қўйиш** бўйича;

б) **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокурорлари ва ички ишлар органлари раҳбарларига** — жиноят ишини қўзғатишни асосий рад этиш, жиноятларни ҳисобдан яшириш ва қасддан нотўғри малакалаш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тизимли **назоратни таъминлаш** бўйича;

в) **туман (шаҳар) прокурорлари ва ички ишлар органлари раҳбарларига** — аҳолининг ҳуқуқбузарлик ҳақидаги **ҳар қандай мурожаатларини сўзсиз рўйхатга олиш**, кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўрганиш ҳамда барча жиноий ҳолатлар юзасидан белгиланган тадбирлар ўз вақтида, қонуний ва тўлақонли амалга оширилишини ташкил этиш бўйича **шахсий**

айтиб ўтди. Бу ҳам келажагимиз умидларига берилган улкан баҳодир.

Инновацион ғоялари, ижодий изланишлари билан юрт тараққиёти, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган ёшларимиз бундан буён ҳам жамият, миллий ўзлик, маънавий ва сиёсий жараёнларни чуқур англаган ҳолда тенгдошларига ибрат бўлиб фаоллик кўрсатишлари зарур. Зеро, улар учун билим олиш, меҳнат қилиш, спорт ва ижтимоий фаоллик соҳаларида тенг имкониятлар яратилганлиги мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Келгуси тараққиёт босқичини белгилаб берувчи дастуриламал хужжатда илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бардавомлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

Шухрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

ЯНГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва инсон капиталини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя тизимини янги босқичга олиб чиқиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қўлай инвестициявий муҳитни шакллантириш ҳамда давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бунда 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакат тараққиётининг ўрта муддатга мўлжалланган устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда уларга эришиш бўйича самарадорлик кўрсаткичларини белгилаб берди.

Ушбу стратегия доирасида амалга оширилган ислохотлар натижасини рақамларда ифода этадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида камбағаллик даражаси 11 фоиздан 6,8 фоизга тушди, ялпи ички маҳсулот ҳажми 107,5 млрд. доллардан 140 млрд. долларга етди. Ўзбекистон Глобал инновацион индексида 139 та давлат орасида 79-ўринни эгаллаб турибди.

Аммо бугунги кунда жаҳонда юз бераётган глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги тебранишлар, sanoat ва технологияларнинг кескин ривожланиши, энергия бозорларидаги трансформация, глобал таъминот занжирларининг қайта шаклланиши Ўзбекистондан ҳам янги ёндашувларни талаб этмоқда. Бундан ташқари, мамлакатда аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиши, урбанизация жараёنлари, бандлик ва даромадлар масалалари янги стратегик ёндашувларни тақозо қилмоқда. Шунингдек, “мақсад — ҳаракат — натижа” занжирига асосланган мутлақо янги стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизими жорий этилгани “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини янги талаблар асосида тақомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўқоридаги омиллардан келиб чиқиб, “Мамлакатнинг 2030 йилгача мўлжалланган тараққиётининг ус-

янада кучайтиришга хизмат қилади.

Айниқса, самарадорлик кўрсаткичларини қайта кўриб чиқиш, уларни аниқ ўлчаш, баҳолаш ва тўлиқ рақамлаштириш орқали мониторинг қилиш тизимининг жорий этилиши ижро интизомини мустақамлаш, масъул раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга қаратилган муҳим қадамдир.

Лойиҳада иқтисодий ўсиш билан бир қаторда таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, “яшил” иқтисодиёт ва экологик барқарорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани жаҳон тенденцияларига мос ва келажака йўналтирилган ёндашув эканини кўрсатади. Шу билан бирга, аҳоли сони ўсиши, урбанизация жараёнлари ва меҳнат бозоридagi ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда бандлик ва даромадларни оширишга қаратилган стратегик қарорлар имзоланмоқда.

Янгиланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилинган унинг ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш, жойларда стратегияда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишига қўмақлашиш, аҳоли билан очик мулоқот орқали ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг янгиланган босқичи мамлакат тизимини барқарор, рақобатбардош ва инсон қадрли улугланган давлат сифатида янада юксалтиришга хизмат қилади.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ



Бундай мураккаб вазиятда эса фарзандларимизни зарарли таъсирлардан асраш, доимо зийрак ва огоҳ бўлиб яшаш, уларга кўмак бериш долзарб вазифа сифатида барчамизни ҳушёр тортириши керак.


Таъкидлаш жоизки, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очяпти ва уларни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш-

дан сақламоқда. Айниқса, халқаро хорижий тил олимпиадаларида, стартаплар ва кичик бизнесни ривожлантириш, замонавий технологиялар ҳамда сунъий интеллект соҳаларида ёшларнинг билим ва тажриба орттириб келаётгани навқирон авлоднинг интеллектуал салоҳияти тобора ошиб бораётганидан далолат.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишга қаратилган энг устувор вазифаларни қамраб олганлигининг яққол далили. Бу эътироф ислохотларни энг қўйи бўғин — инсонлар ўшайдиган ва кундалик ҳаёт кечирадиган ҳудудларда жадаллаштиришга қаратилган бўлиб, “Инсон манфаатлари — давлат сиёсатининг марказида” деган

тамойилнинг амалий ифодасидир. Хужжатда аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар ёшлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Хусусан, олий таълимда грантлар ва стипендиялар сонининг қўпайиши, спорт ва маданият соҳалари учун ажратилаётган субсидиялар ёшларнинг имкониятларини кенгайтиради ҳамда ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун мустаҳкам замин яратади.

Президентимиз ўз нутқида келгусида Ўзбекистоннинг ўз космонавтини коинотга учуриш нияти борлигини мамнуъият билан таъкидлаб, бу ташаббус мамлакатимизда илм-фан, таълим, технология ва инновацион соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мантикий давоми ҳамда рамзий натижаси эканини



қарорлар ишлаб чиқиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг жойларда қандай ишлайётганини доимий таҳлил этиш амалиётининг жорий қилинаётганини кўрсатади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Фармон лойиҳасида стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқишга илмий-тадқиқот муассасалари, таҳлилий марказлар ва хорижий экспертларни жалб этиш белгиланган. Бу эса давлат қарорларини қабул қилишда далилларга асосланган (evidence-based policy)

ёндашувни мустақамлаш, хавф ва имкониятларни олдиндан баҳолашга йўл очди.

Стратегиянинг очиклик ва жамоатчилик билан мулоқотга йўналтирилган механизми ҳам муҳим янгилик ҳисобланади. “MyStrategy-2030” мобил иловаси, очик муҳокама-лар, жамоатчилик мониторинги ва медиакампаниялар орқали фуқароларнинг ислохотлар жараёнида иштирок этиши таъминланмоқда. Бу, ўз навбатида, жамият ишончи ва давлат сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Умуман, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг янгиланган модели давлат бошқарувида самарадорлик, жавобгарлик ва очиклик тамойилларини мустақамлаб, мамлакатимиз-

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ



➡ Мажлисида мазкур қонун лойиҳаси электрон тижоратнинг шаффоф ва очик экотизимини яратиш, электрон тижорат платформалари ва сервисларини жадал ривожлантириш, иқтисодиётдаги яширин айланмалар ҳажмини қисқартириш, электрон тижорат муносабатларидаги иқтисодий масалаларни янада такомиллаштиришга қаратилгани қайд этилди.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳасидаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берилди. Жумладан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Дилмурод Артиков** қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексига киритилаётган ўзгаришларга эътибор қаратди. Унга кўра, электрон савдо платформалари орқали товарларни реализация қилувчи чет эллик юридик шахслар эндиликда солиқ тўловчи, яъни ҚҚС тўловчи сифатида қўрсатиляпти. Депутат мазкур ўзгаришни нархлар ошишига, харидорлар фаолиги пасайишига олиб келмайдими деган савол билан қонун ташаббускорларига юзланди.

Улар бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб ўтишди. Қонун лойиҳасига масъул — **Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси Илхом Абдуллаев** ушбу масала билан боғлиқ саволлар кўни кеча сиёсий партиялар фракциялари ййгилишларида ҳам кўтарилганини таъкидлаб, қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда бунга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, экспертлар иштирокида кўриб чиқиш ва тегишли ечим ишлаб чиқишга тайёр эканини билдирди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Аёллар ва болалар ҳимояси — долзарб вазифа

Депутатлар таъйик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокамадан ўтказди.

Айтилганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш, жабрланган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда мавжуд айрим бўшлиқлар зўравонликдан жабрланган шахсларга кўмак беришда тўлиқ ҳуқуқий механизмларни таъминлашни талаб этапти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда аёлларни реабилитация қилиш марказларига зўравонликдан жабрланган шахслар манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан мурожаат қилиш ва суд мажлисларида уларнинг вакили сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, жабрланувчилар махсус марказларда бўлган даврда иш жойи ва лавозимини сақлаб қолиш кафолатланмоқда. Бундан ташқари, миллий қонунчиликка “боланинг энг устун манфаатлари” тушунчасини киритиш орқали болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий асослар такомиллаштириляпти.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан қизгин саволлар ва бир қатор тақлифлар ўртага ташланди. Хусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов** “Хотин-қизларни таъйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг саккизинчи хатбоши — “таъйик ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг манфаатларини кўзлаб, судларга давлат божи тўламасдан ариза, шикоят ва даъволар тақдим этади, суд мажлисларида уларнинг вакили сифатида ўзининг ваколатли вакили орқали иштирок этади” деган норма билан тўлдирилаётганини айтиб, бунда жабрланувчиларнинг аризаси талаб қилинадиими ёки иштирок этувчи ваколатли орган ўзининг ташаббуси билан ҳам судга даъво аризалари киритадиими деган саволни берди. Шунингдек, депутат қонун лойиҳасида “боланинг энг устун манфаатлари” тушунчаси, атамалари киритилаётганини қайд этиб, буни ҳужжатда янада аниқроқ ёзиш тақлифини билдирди.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Хушвақт Хайитов, “**Адолат**” **СДП фракцияси аъзоси Зухриддин Мавлонов** қонун лойиҳасининг аҳамияти, заруратини қайд этган ҳолда унинг айрим нормаларини янада такомиллаштириш бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида таъйик ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланади. Шунингдек, болалар ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий қонунчилик халқаро стандартларга уйғунлаштирилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Кўриқлаш фаолияти соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилмоқда

Мажлисида “Кўриқлаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгариштирлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни ҳамда объектларини тажовузлардан ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги давлат сиёсатини ва кўриқлашни амалга оширувчи субъектлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тизимли ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Кўриқлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилди.

Шундан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Кўриқлаш департаменти ваколатларини белгилаш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини мувофиқлаштириш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси кўриқлаш фаолияти доирасини кенгайтиришни, хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни, кўнғилочар ва қурилиш объектларини кўриқлашни амалга ошириш бўйича ҳуқуқий асосларни белгилашни, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг ушбу соҳадаги ваколатларини аниқлаштиришни назарда тутди.

Лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгариштирлар киритилиб, Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармаси мансабдор шахсларига тегишли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш ваколатлари Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Кўриқлаш департаменти мансабдор шахсларига ўтказилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар кўриқлаш фаолияти соҳасидаги қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда жамоат ҳафсизлиги ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Судьяликка номзодлар Сенат масъул қўмиталарида кўриб чиқилади

Сенатнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига қўшимча ва ўзгариштир киритиш ҳақида”ги қонунчилик тақлифи кўриб чиқилди.

Маълумки, Конституциявий суд судьялари, Олий суд раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари, Судьялар олий кенгаши раиси, раис ўринбосари, унинг аъзолари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилади ва уларни сайлаш тўғрисидаги масала парламент юқори палатасининг навбатдаги мажлисида Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан ҳал қилинади.

Мазкур қонунчилик тақлифи билан судьяликка номзодларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш тақлиф этилмоқда.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунга судьяларни лавозимларига сайлаш учун номзодлар дастлабки тарзда Олий Мажлис Сенатининг масъул қўмитаси томонидан кўриб чиқилиши ҳамда унинг якунлари бўйича қўмита томонидан ҳулоса қилиниши билан боғлиқ қўшимча ва ўзгариштир киритилмоқда.

Мазкур тақлиф парламент томонидан судьялик лавозимларига малакали кадрларни сайлаш жараёнларини такомиллаштиришга, номзодлар очик ва шаффоф баҳоланишини таъминлашга, судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги масъулятини кучайтиришга қаратилган.

Мажлисида қонунчилик тақлифи бўйича қарор қабул қилинди.

Парламент назорати самарадорлиги янада мустаҳкамланади

Мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги масала — парламент назорати фаолиятининг асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган Сенатнинг қонунчилик тақлифи бўлди.

Мазкур тақлиф билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга Сенат қўмиталари томонидан давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг

Конституция ва қонунларни, давлат дастурларини ижро этиш бўйича ахборотини эшитиш ваколатини мустаҳкамлашга қаратилган ўзгариштир киритилмоқда.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунга тузатиш киритилиб, депутат ва сенатор палатага ҳисобдор орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини нафақат палата мажлисида, балки эндиликда ўзи аъзо бўлган қўмита мажлисларида ҳам эшитиш тўғрисида тақлиф киритишга ҳақлилиги назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли моддаларига ўзгариштир киритилиб, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўмиталари томонидан давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг Конституция ва қонунларни, Олий Мажлис палаталари ва уларнинг органлари қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича ахборотини эшитиш ваколати аниқ белгилянапти.

Шу билан бирга, “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунга ҳам ўзгариштирлар киритиш тақлифи илгари сурилмоқда. Яъни қўмита мажлисларида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ахборотини эшитишда Ҳукумат тегишли раҳбарларнинг иштирокини таъминлаши акс этмоқда. Бу Олий Мажлис палаталари улар органларининг парламент назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари мустаҳкамланишига, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ўз фаолияти юзасидан жавобгарлиги ва ҳисобдорлигини оширишга ҳамда Конституция ва қонунлар, давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан парламент томонидан тизимли назорат ўрнатилишига хизмат қилади.

Мажлисида қонунчилик тақлифи бўйича қарор қабул қилинди.

Мақсадли экспорт кўрсаткичлари ижроси қандай таъминланмоқда?

Депутатлар Кишлоқ хўжалиги вазирли И. Абдурахмоновнинг “Мамлакатимизда экспортбо мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш ва мақсадли экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровига берилган жавобини кўриб чиқди.

Унда келтирилишича, сўнгги йилларда бу борада комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, “Кишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги ва “Кишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги яхлит қонунлар ҳамда Сув кодекси қабул қилиниб, кишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди.

2025 йилда кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасида халқаро стандартлар талабларини жорий этиб, сертификатланган корхоналар сонини 2032 тага етказиш белгиланган бўлиб, бу кўрсаткич 2045 тага етказилди ва режа 101 фоизга бажарилган. Бугунги кунда органик сертификат берадиган 12 та мувофиқликни баҳолаш органи фаолият юритмоқда.

Фермер ва кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 10 минг гектарда органик маҳсулот етиштириш бўйича вазифа белгиланган бўлиб, амалда 36 та субъект жами 10,3 минг гектар ерда шу иш билан шуғулланган. Ушбу майдонлардан жами 26,5 минг тонна ҳосил олинган бўлса, республикада “GlobalG.A.P.” халқаро тан олинган стандарти талаблари асосида 955 гектар майдонда 14 минг тонна мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилган.

Парламент сўровига келган жавобда қайд этилганидек, халқаро стандартларни жорий қилган 48 та кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат корхонасига давлат томонидан 2025 йилда 3,8 млрд. сўм молиявий ёрдам ажратилган.

Бугунги кунда республикада кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасида амалда 4 233 та стандарт мавжуд бўлиб, шундан 1 957 таси халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган. Амалдаги стандартларни ЖСТ талабларига мослаштириш бўйича эса 410 та стандарт кўриб чиқилган.

2025-2026 йилларда ҳудудларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича 10,4 трлн. сўмлик 673 та лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, амалга ошириш бўйича тизимли мониторинг йўлга қўйилган.

2025 йилда фермер ва кишлоқ хўжалиги корхоналарида жами 3,9 млн. гектарга экин экилган бўлса, 898 минг гектарда такрорий экинлар парваришланиб, 12,8 млн. тонна, шундан 5,1 млн. тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилган. Экспорт географияси эса 95 та давлатни қамраб олиб, Россия, Афғонистон, Қозғоғистон, Покистон ва Хитой асосий савдо ҳамкорлари сифатида етакчи ўринларни эгаллади. Япония, АҚШ, Корея Республикаси ва Европа давлатлари бозорларига чиқиш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Депутатлар ушбу йўналишда вазирлик томонидан муайян ишлар амалга оширилгани, шу билан бирга, кишлоқ хўжалигида экспортбо мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тегишли тавсиялар берди.

Мажлисида мазкур масала юзасидан доимий парламент назорати олиб борилиши қайд этилиб, Кишлоқ хўжалиги вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ЛОЙИҲАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУТГАН МАВҚЕИ ТОБОРА ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА



➡

Буюк Ипак йўли савдо чорраҳасининг марказида жойлашган Ўзбекистон, Бир томондан, Хитой ва Жанубий Европа, иккинчи томондан, Хиндистон яриморили ва МДХ, Шимолий Европа ўртасида юк оқимлари логистикасининг муҳим провайдерига айланиш учун ноёб имкониятга эга. Шу сабабли, мамлакатимиз Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон стратегик темир йўл лойиҳасига катта эътибор қаратмоқда. Мазкур лойиҳа бугунги кунда “Аср қурилиши” сифатида эътироф этилмоқда.

Транспорт вазирлиги маълумотига кўра, Қашқар — Торуғарт — Макмал — Жалолобод — Андижон халқаро транспорт йўлаги йўналиши 20 та бекат, 42 та кўприк ва 25 та туннелни ўз ичига олади. Темир йўл қурилиши 2030 йил охиригача якунланиши, линиянинг узунлиги 532,53 км. бўлиши, шунингдек, йўналишда юк ташиш ҳажми йилга 15 млн. тоннага етиши кутилмоқда. Албатта, лойиҳада йўналиш бўйлаб замонавий транзит-логистика инфраструктураси, омборхона ва терминаллар барпо этилиши ҳам назарда тутилган. Мазкур темир йўл линиясининг қурилишини том маънода Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши, дея баҳолаш мумкин.

Келгусида Хитойдан Туркия, Эрон, Туркменистон, Афғонистон, Покистонга ташилаётган юкларнинг 10 млн. тоннага яқин қисми Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон йўналишига жалб этилади. Бу, ўз навбатида, бутун минтақа мамлакатлари учун бекиёс логистика йўлагини яратади. Аниқроғи, юк ташиш ҳажми 2040 йилга бориб 4 баробарга ошиши мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган. Буларнинг барчаси ушбу лойиҳанинг нафақат транспорт инфраструктурасини, балки иқтисодий аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли Хитой — Марказий Осиё ўртасидаги энг қисқа қуруқлик йўлаги сифатида пайдо бўлиб, мавжуд маршрут узунлигини 1035 километрга, товарларни етказиб бериш вақтини бир ҳафтага қисқартиради. Темир йўл линияси қурилиш ишлари якунланганидан сўнг Хитой ва Европа ҳамда Жанубий Осиё ўртасида энг қисқа, барқарор қуруқлик транспорт маршрутлари яратилиши натижасида Хитой — Европа йўналишида ташиш масофаси 900 километрга, Хитой — Жанубий Осиё ўртасида эса 1000 километрга, ташиш вақтлари мос равишда 1 ҳафтага қисқаради. Бу давлатлар учун ҳам, хусусий бизнес учун ҳам бекиёс қулайлик демакдир.

— Геосиёсий қалтис бўлган хозирги вазиятда Ўзбекистон учун яна бир транспорт-логистика йўналиши — Трансафғон лойиҳасининг аҳамияти янада ортмоқда, — дейди Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази директори Бекзод Холматов. — Россияни Жанубий Осиё мамлакатлари

билан боғловчи Шимол-Жануб йўлагига муқобил бўлган Беларусь — Россия — Қозғоғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон — Хинд океани портлари мультимодал транспорт йўналиши минтақа иқтисодий-тининг янги “қон томири” сифатида рўёбга чиқади.

2025 йилнинг 17 июль кунини Қобул шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ташқи ишлар вазирларининг биринчи ўз томонлама учрашувида Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўлининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш бўйича битим имзоланди. Мазкур лойиҳанинг ишга тушиши Ўзбекистон транспорт-логистика соҳасининг глобал транспорт-логистика тизимларига интеграциясини жадаллаштиради, юртимиздан юкларнинг жаҳон бозорларига етиб боришини осонлаштириб, нархлар барқарорлашувига катта туртки бўлади. Ўз навбатида, Ўзбе-



кистонга кириб келаётган импорт маҳсулотлар қийматидаги транспорт харажатларини кескин қамайтиради.

Транспорт вазирлиги маълумотларига қараганда, 2025 йилнинг январь — ноябрь ойларида республика бўйича автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали жами 1,4 млрд. тонна юк ташилиб, ўсиш суръати 4,6 фоизни ташкил қилди. Шунга мос равишда транспорт хизматлари экспорти 2 млрд. 268 млн. долларга етиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 30 фоиз ўсди. Шунингдек, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон мультимодал транспорт коридорида юк ташиш ҳажми 2 баробар ошиб, 1 млн. 494 минг тоннани ташкил этди. Бу кўрсаткич бундан беш йил аввал 35 минг тоннага ҳам бормасди. Ўзбекистон — Туркменистон — Қозғоғистон — Озарбайжон — Грузия — Европа ўртасидаги мультимодал “Ўрта коридор” бўйлаб ташилган юклар ҳажми

эса 1 млн. 52 минг тоннага етгани ҳам эътиборга молик.

— Халқаро қатнов кўлами, юклар ҳажми ва турларининг ортаёғганини хизматимизга бўлган талабнинг ошиб бораётганидан ҳам сезяпмиз, — дейди дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларига муттасил юк ташиш, бу соҳада катта тажриба тўплаган ҳайдовчи Фарҳод Абдусаматов. — Кўпчилик денгиз йўли афзал дейди. Бу тўғри гап, аммо портгача, темир йўл вокзалига қадар юкни автомобилдан бўлак бошқа яна қандай улловда ташиш мумкин? Ана шу сабабли дунёнинг қаерида бўлмасин, юк автомобильлари хизматига талаб юқори. Фақат йўлларни кенгайтириш, қулайликларни янада кўпайтириш жуда зарур. Бу борада республикаимизда ҳам катта ўзгаришлар юз берапти. Ушбу жараёнда юк автомобильларига хизмат кўрсатадиган кемпинг ва сервис марказларини янада кўпайтириш лозим, деб ҳисоблайман. Пуллик йўллар тезроқ пайдо бўлса, тирбандлик муаммоси ҳам ортага чекинади. Келгусида ёнилғи таъминоти ва унинг сифати борасидаги эътирозларга ўрин қолмаса, йўл инфраструктураси янада такомиллашса, хизмат кўрсатиш маданияти юксалса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти каррасига ошиб бораверади.

Дарҳақиқат, дунёда халқаро нуфузи, барча соҳаларда ҳамкорлик кўлами, экспорт ва сайёҳлик салоҳияти ошиб бораётган Ўзбекистон учун транспорт-логистика тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш сув ва ҳаводек зарур. Президентимизнинг 2025 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг транспорт-

Асосий эътибор соҳада натижадорликни таъминлашга қаратилмоқда. Буни эса мутахассислар малакасини оширмасдан рўёбга чиқариб бўлмайди. Шу сабабли Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи билан ҳамкорликда Халқаро автомобиль транспорти соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича минтақавий ўқув маркази ташкил этилмоқда. Келгусида тизимда рақамлаштиришни кенг жорий этиш, хизматлар кўрсатишда инсон омилини қамайитириш, замонавий ва тезкор фаолият устуворлигини таъминлаш — қўзланган мақсадларга кенг йўл очади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

МАЪНАВИЯТ — МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАРГА ҚАРШИ ҚАЛҚОН

Бугунги ўта мураккаб глобаллашув замонида, дунёнинг турли нуқталарида зиддиятлар авж олаётган бир шароитда ҳар бир давлат учун миллий хавфсизлик ҳамда халқ тинчлиги энг олий қадриятга айланмоқда. Халқаро хавфсизлик тизимларининг мўрлашиб бориши биздан нафақат ҳушёрликни, балки мамлакат келажаги учун масъул бўлган мустақкам маънавий асосларни яратишни ҳам талаб этмоқда.

Нуктаи назар

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан кўпрогини ташкил қилувчи ёшлар бизнинг асосий таянчимиз ва умидимиздир. Агар жамиятни мухташам бир иморат деб тасаввур этсак, унинг пойдевори, шубҳасиз, йилгит-қизлардир. Бинонинг қанчалик баланд ва мустақкам бўлиши билан асосига боғлиқ бўлгани каби, давлатнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги ўсиб келаётган авлоднинг дунёқараши ҳамда маънавий қиёфасига бевосита боғлиқ.

Шу боис ёшларни ватанпарвар, юксак маънавиятли ҳамда фидойи қилиб тарбиялаш — ҳаётий зарурат. Хозирги вақтда хавф-хатарлар нафақат чегараларда, балки инсонларнинг қалби ва онгида ҳам намоён бўлмоқда. Бизнинг миллий менталитетимизга, ахлоқий қадриятларимизга зид бўлган “оммавий маданият” никоби остидаги ёт гоёлар ёшлар онгини заҳарлашга уринмоқда. Бундай шароитда жараёнларга маънавият кўзи билан қараш муҳим аҳамият касб этади.

Эътиборни ҳар қачонгидан кўра қучайтириш талаби

Маънавият бу шунчаки чиройли сўзлар ифодаси эмас, балки миллий манфаатларимизни ҳимояловчи кучли қалқондир. Биз ҳаётимизга кириб келаётган ҳар қандай янгиликни миллий қадриятларимиз элагидан ўтказишимиз, унинг аҳоли турли қатламларида, айниқса, ёшларга таъсирини чуқур таҳлил қилишимиз шарт. Миллий ўзлигимизга ёт бўлган қарашларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга нисбатан маънавий иммунитетни шакллантириш — тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг самарали йўлидир. Шу маънода, юртимизда маънавият масалаларига давлат сийсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, биз Янги Ўзбекистоннинг пойдевори янги замонавий билимлар қатори-



да, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан сўғорилган маънавият асосида барпо этмоқдамиз. Шундай бўлса-да, бугун кўз ўнгимизда содир бўлаётган ҳодисаларнинг ўзи ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидан сабоқ чиқаришга ўндайди. Ҳақиқат шуки, катта давлатлар ўртасида дунёни, табибий ресурсларга бой ўлкаларни тақсимлаш “уйин”лари ҳамон тингачи йўқ.

Энг ачинарлиси, ёш мустақил давлатларни танлаб олган тараққиёт манзилдан, орзу-мақсадларига эришиш, янги жамият қуриш йўлидан қайтармоқчи бўлганлар, аввало, дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланишга, уларни бегона гоёлар билан қалғитиб, ўзининг ғаразли ниятларини амалга ошириш йўлида курул қилиб олишга уринаётгани сир эмас.

Шу сабабдан ҳам бугун дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар таҳлилда уларга, энг аввало, маънавият кўзи билан қараш, ҳаётимизга кириб келаётган, ахлоқимизга, менталитетимизга зид гоёларни аниқлаш, аҳоли турли қатламлари-га таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга мос келмайдиган жиҳатларини очиқ бериш ва табиийки, зарур чоралар қўриш муҳим аҳамият касб этади.

Сийсатда “Сен ухлаганингда душманинг уйғоқ бўлади” деган нақл бежиз айтилмади. Маънавий жиҳатдан гофилиққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лоқайдликка чек қўйиш, муҳроқ ҳолатдан уйғониш керак. Бунинг учун эса, аввало, илм сари ҳаракат қилиш, оила, боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла, мута-

садди муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бориши зарур.

Албатта, маънавий тарбия билан боғлиқ ишлар осон вазифа эмас. У ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар бир сийёсий партия ва ҳаракатдан, бутун жамиятдан огоҳлик, жиддий эътибор ҳамда узлуксиз меҳнатни талаб қилади. Айниқса, бугунги кунда — мафкуравий курашлар гоҳ ошқор, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда бу ниҳоятда долзарб масала. Агар маънан ва руҳан соғлом, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб ҳаётнинг пасту баланд кўчаларидан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган маънавий юксак авлодни тарбиялаб

тарбиясига боғлиқ бўлган. Ватанмиз тарихида айнан шу улғу туйғу сабаб ўзидан сон жиҳатдан бир неча ўн баробар кўп бўлган қудратли лашкарларни енгган қанчадан-қанча жасур аждодларимиз ўтган. Тўмарис, Спитамен, Махмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо булар маънавий рух, мардлик ва шижоат, миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғуси билан аскарларини қудратли кучга айлантира олган юрт қалқонларидир.

Шу маънода, бугун мамлакат Қўролли Кучлари тизимида ҳам ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига катта эътибор қаратиляпти. Бундан қўтилаётган натижа, бу ватанпарварлик туйғуси юксак, замонавий

“Ватан ҳисси бу ўз халқини севмоқ, ҳурмат қилмоқ, қадрига етиш ва эътироф этмоқдир. Мустақил юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг бахти бевосита Ватанимиз равнақи билан боғлиқ. Шу сабабли, Ватан тараққиёти учун бор билими, кучи ва салоҳиятини сарфлаш Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча фуқароларнинг муқаддас бурчига айланмоғи даркор. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий қамолоти учун масъулиятни ҳис қилиши, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашида намоён бўлади.

етиштириш вазифаси уудаланса, фикри тиниқ, эътиқоди соғлом болаларни сохта оқимларга эргаштириш, пана-пасткамларда писиб ётган ҳар хил чаласавод, жоҳил одамларнинг тузоғига илминтиришга уринишлар барҳам топади.

Демак, мамлакатимизнинг тинчлик-осойишталигини, фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаш учун ҳар қандай душманга қарши курашишда ўз жонини ҳам аямайди-ган, ватанпарвар, фидойи, садоқатли, ҳалол инсонларни тарбиялашга интилишимиз шарт.

Миллий рух ва ватанпарварлик тарбияси

Ҳамма даврларда давлатнинг ва лашкарнинг қудрати, аввало, миллий рух ва ватанпарварлик

билим, мустақкам ирода ва қатъий ҳаётий позицияга эга, юксак маънавиятли Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш, элу юрт тинчлиги учун жонини ҳам аямайди-ган қомил инсонларни шакллантиришдан иборат. Биз, катталар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳи-

Халқимиз азалдан ўз ўғлонларини мардлик ҳамда ҳалоллик, жасурий руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайди-ган асл пахлавонлар этиб тарбиялаб келади. Аждодларимизнинг Ватан равнақи, тинчлиги йўлидаги жасоратлари, мустақилликка эришгунча давр мобайнида босиб ўтган машаққатли йўлнинг асл моҳиятини англаш ва шу тариқа ўтмиш тарихини ўрганиш ёш авлод учун ҳарбий ватанпарварлик тушунчасини чуқур англаб етишда асосий омиллардан ҳисобланади.

Демак, кучли руҳий-маънавий тарбия мамлакат ёшлари учун энг муҳим воситадир. Айнан маънавий-руҳий тарбия керак пайтда қалқон, керак пайтда ҳимоя қуроли вазифасини ўтайди.

Комила КАРИМОВА,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг
Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича
биринчи проректори.



Шахмат: АБДУМАЛИК — «NORTH AMERICAN OPEN» ТУРНИРИ ҲОЛИБИ

АҚШнинг Лас-Вегас шахрида мукофот жамғармаси 130 000 долларни ташкил этувчи “North American Open — 2025” халқаро шахмат турнири юртимиз вакиллари учун муваффақиятли якунланди.



Хусусан, гроссмейстеримиз Абдумалик Абдусалимов 125 нафар шахматчи ўртасида 6,5 очко жамғариб, мусобақа ғолибига айланди. Иккинчи ўрин эронлик гроссмейстер Гаём Магами Эҳсонга, бронза медали эса ҳиндистонлик гроссмейстер Кустав Чаттержига насиб қилди.

Шунингдек, ҳамюртларимиздан халқаро тоифадаги спорт устаси Муҳаммадали Абдурахмонов ҳам 6,5 очко билан мусобақани қўшимча курсаткичларга кўра 5-поғонада якунлаган бўлса, халқаро тоифадаги спорт устаси Саидқабар Сайдалиев 5,5 очко билан 27-ўринни эгаллади.

Футбол: ОСИЁ КУБОГИ БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

Саудия Арабистонида 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё кубоги баҳслари бошланди. Мазкур мусобақада Равшан Хайдаров мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашмоқда.



Турнирда янги Олимпия терма жамоасини шакллантириш учун “U21” ёш тоифасидаги жамоамиз иштирок этади. Бундан кўзланган асосий мақсад — 2028 йилги Лос-Анжелес Олимпиадасига тайёргарлик. “В” гуруҳидан ўрин олган жамоамиз Ливан (7 январь), Эрон (10 январь) ва Жанубий Корея (13 январь) билан “плей-офф” босқичи йўлланмаси учун кураш олиб боради.

Дастлабки икки баҳс Тошкент вақти билан соат 19:00 да бошланса, 3-турдаги беллашув 16:30 да старт олади.

ҲАМЮРТИМИЗ ГОНКОНГДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Бугунги кунда Осиё яшил майдонларида кўплаб футболчиларимиз муваффақиятли тўп суриб келмоқда. Хусусан, Ироқ, БАА, Малайзия, Индонезия, Гонконг, Эрон чемпионатларида ўзбекистонлик тўптепарларнинг салоҳияти ҳам эътироф этилаётди.



Жумладан, 2018 йилда Хитойда уюштирилган “U23” Осиё кубоги ғолибларидан бири, марказий ҳимоячи Достон Турсунов Гонконг биринчилигида ўтган ойнинг энг яхши йўналиши, деб топилди. “Ли Ман” жамоасида тўп сураётган 30 ёшли футболчи декабрда 3 та ўйинда қатнашиб, 2 та гол урди ва клубнинг муҳим ғалабаларига ўз ҳиссасини қўшди.

Д. Турсунов шу кунгача Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Эрон каби давлатларнинг маҳаллий чемпионатларида легионер макомиди тўп тепган.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жамоаси Конституциявий суд эксперти Савдбек АЗИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Кулайлик

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Янги йилнинг илк кунларида Қорақўлда туманлараро перинатал марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳа рўёби учун 4 миллиард сўм миқдоридида маблаг сарфланган. Беморларга мўлжалланган палаталар, шифокорлар кабинетлари, тиббий таҳсиллар, жарроҳлик амалиётлари ўтказиладиган хоналар, кутиш заллари — барча-барчаси замонавий талаблар асосида жиҳозланган. Марказдан Осиё тараққиёт банки кредити асосида сотиб олинган энг сўнгги русумдаги тиббий техника воситалари ҳам ўрин олди.

— Бу 2026 йилда нафақат Қорақўл, балки қўшни Олот ва Жондор туманларида истиқомат қилувчи ёш оилалар учун ҳам муносиб тўхфа бўлди, — дейди маҳалла фаоли М. Ражабова. — Негаки, болалар халқимиз — фарзанднинг тўрт мушаси соғлом дунёга келиши хонадонимизга ёруғлик олиб қиради. Қўшқаватли, замонавий бинода она ва бола саломатлигини ишончли муҳофаза этиш, шифокорларнинг ўз бурчини сидқидилдан бажариши учун зарур барча қўлайликлар мавжуд. Биз давлатимиз томонидан тиббиёт ходимларига шундай имконият яратилиб, уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилаётганидан мамнунмиз!

Янги иншоот энг чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли ҳам сифатли тиббий хизматдан баҳраманд бўлишга устувор вазифа сифатида қаралаётгани ифодасидир.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ОДАМ САВДОСИ:



Мулоҳаза

БМТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2,7 миллион киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу иллат ортидан олинаётган йиллик даромад 7 млрд. доллардан зиёд. Глобаллашиб бораётган савдонинг 80 фоизи аёллар ва болалар ҳиссасига тўғри келади. Ҳар йили дунё бўйича 600 — 800 минг нафар аёл ва болалар авлод йўли билан хорижий мамлакатларга мўмайгина пул эвазига сотиб юборилмоқда. Айни чоғда бу иллатнинг учта кенг тарқалган тури мавжуд: жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат ва одам аъзоларининг сотилишидир. Бу жиноятнинг тағзиями-га назар ташласак, маънавий қашшоқлик, мол-дунёга ҳаддан зиёд хирс қўйишни кўрамиз. Ана шу сабабли, давлатимиз

раҳбари томонидан бу муаммага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ташкиллаштирилган тартибда ишга жойлаштириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Меҳнат миграцияси жараёнларини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари бу соҳада ҳуқуқий кафолатларни қучайтиришга хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги томонидан ўтган йилнинг 11 ойи давомида 27 403 нафар фуқарога моддий, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдамлар қўрсатилгани одам савдосига қарши курашда давлат томонидан нафақат ҳуқуқий, балки реал ижтимоий ҳимоя механизмлари самарали ишлатиётганини аққол намоён этади. Жумладан, мураккаб молиявий вази-

БЕФАРҚЛИК — ЭНГ КАТТА ХАВФ

ё кондоши унга кўнғироқ қилиб “Ишламоқчимисан, келавер, бирор чорасини топамиз, бекор қолмайсан” дейди.

Жинсий эзравонлик, одам таналарини сотиш йўналишидаги савдодаги найранглар эса янада ажабтовуру, ваъдалар — уй-қўни қочирадиган. Қарабсизки, эчки-улоқ, сигир-бўзоқ сотилган, чипта олинган, не-не орзулар қанотидида самолётга, поездга чиқилади. Шу тариқа, инсон гоҳида кўра-била туриб, таваккал ортидан ўзини парвона каби чўққа уради. Шу боис ҳам жамиятнинг ҳушёрлиги, ахборот алмасув ва фаол фуқаролик позицияси ниҳоятда зарур, у ушбу таҳдидга қарши энг самарали воситалардан биридир.

Унутманг, юртимизда ҳар бир инсон эътибордан четда эмас. Ёшларнинг истиқболли, таълим олиши учун бекорлик имкониятлар яратилган. Шундай экан, эртага пўшаймон бўлмаслик учун давлатимиз яратиб бераётган имтиёзу имкониятларга таянган ҳолда илмни, билимни, қўлидан иш келадиган мутахассис бўлишга интилиш зарур. Бундай инсон эса алданиб, бировларнинг қармоғига тушиб қолмайди.

Сардор НИШОНОВ,
Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Миграция
агентлигининг низолати
судгача ва судда ҳал этиш
бўлими бош мутахассиси.

2026/2027 ўқув йилидан Каттакўрғон давлат педагогика институтида Тошкент шахридаги Турин политехника университети билан ҳамкорликда муҳандислик йўналишлари бўйича факультет ташкил этиш чоралари кўрилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юқуб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва манлифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета таҳририят компьютер марказида термалда ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6